



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 24 март, № 61 (7563)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Наврўз Сиз ва Ўзбекистон халқига шодлик ва фаровонлик олиб келишини тилайман. Наврўз тинчлик ва янгиликни рамзи бўлмиш ўзига хос байрамдир. Ушбу айём, айниқса, жорий йилда катта аҳамиятга эга, чунки мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

Сиз амалга ошираётган кенг қўлмали ислохотлар дастури рўёбга чиқаётганини кўриш менга мамнуният бағишлайди. Янада юксак равиш сари шу йўлдан ҳаракат қилар экансиз, Қўшма Штатлар Сиз ва Ўзбекистон халқининг қатъий ва ўзгармас шериги бўлиб қолади.

Наврўз муборак!

Ҳурмат билан,

Дональд Ж. ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номидан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Наврўз байрами муносабати билан самимий табриклагга ижозат бергайсиз.

Кейинги йилларда Хитой — Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида ижобий ривожланиш тенденцияси сақланиб турибди. Ўзаро сиёсий ишонч изчил мустаҳкамланмоқда, «Бир макон, бир йўл» лойиҳасини биргаликда амалга оширишда салмоқли натижаларга эришилди, мамлакатларимиз халқаро майдонда фаол ва самарали ҳамкорлик қилмоқда. Буларнинг барчаси Хитой — Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантиришда кенг истиқболлар очмоқда.

Хитой ва Ўзбекистон коронавирус эпидемиясига қарши биргаликда курашишда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, яқиндан ҳамкорлик қилаётгани икки томонлама алоқаларда юксак даражага эришилганини намойиш этмоқда. Мен буни юксак қадрлайман. Мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида муносабатларимизни узлуксиз мустаҳкамлаш мақсадида Сиз билан яқин мулоқотларни давом эттиришга тайёрман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман!

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Эхтиром

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИДАН ПИСКЕНТЛИК ОТАХОНГА МАКТУБ КЕЛДИ

«75 йилдирки, Беларусь халқи тинч осмон остида яшамоқда. Бу оловли уруш йилларида босқинчиларга қарши ўз жонини ўйламай фидокорона кураш олиб борган қахрамон жангчилар туфайли... Азиз ветеранлар! Сизга мустаҳкам соғлиқ, барча яхшиликлар ёр бўлсин! Чуқур ҳурмат билан Беларусь Республикаси Президенти А. Лукашенко».

Тошкент вилоятининг Пискент туманида умргузаронлик қилаётган Сирожон ота Саидмахмудовга Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкодан келган мактубда ана шундай миннатдорлик сўзлари қайд этилган.

Отахон хатга термулганча, узоқ ўйга толади. Назаримда, ўша лаҳзалар отахоннинг кўз ўнгидан бундан 75 — 80 йиллар аввалги хотиралар — оловли уруш йиллари, қон кечиб ўтган ёшлиги, қатор шахрлар ҳимояси учун жангларда кечган воқеалар тафсилоти кино тасмасидек бирма-бир ўтди.

Сирожон ота Саидмахмудов 1942 йилнинг сентябрь ойида Беларусга ҳарбий хизматга чақирилди. Қарийб 100 ёшни қаршилаётган

отахон ўша пайтлар айна навқирон, 18 ёшли йигит эди.

— Беш ой ҳарбий санъатдан сабоқ бериб, урушга тайёрлашди, — хотирлайди отахон. — Ўша пайтлар жуда қаттиқ совуқ эди. Ёгаётган қор бел баробар бўлишига қарамай тайёргарлик ўта кучли эди. Бир соат дам олиб, яна тайёргарлик давом этарди. Ҳарбий тайёргарликдан сўнг бизни Смоленск шаҳри мудофаасига юборишди. Бир жангда оёғимдан яраландим. Тўрт ой Москвада даволаниб, яна фронтга қайтдим. Беларусь, сўнгра Украинада ўтган қонли жангларда қатнашдим. Ушанда оёғим иккинчи марта яраланди. Сочида даволаниб, яна жанг майдонига кирдик.



Коронавирус инфекцияси ва унинг олдини олиш тўғрисида нималарни билиш муҳим?

Ҳозирги кунда коронавируснинг янги тури (COVID-19) келтириб чиқарадиган касаллик тобора кўпроқ глобал таъминоти кучайтирмоқда. Жуда қисқа вақт ичида инфекция касаллигининг эпицентридан — Ухан (Хитой) шаҳридан бутун дунёга тарқалди.

Долзарб мавзу

Сўнгги маълумотларга кўра, айна пайтга келиб, вирус дунёнинг 190 дан ортиқ мамлакатларида қайд этилиб, касалланганлар сони 338 мингдан ошди. Ушбу инфекция туфайли 14 687 нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Афсус-

ки, бу рақамлар кун сайин ортиб борапти.

Мамлакатимизда ушбу вирус 46 кишида аниқланган бўлиб, уларга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия этган стандартлар асосида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Юқумли касалликлар кўзгатувчилари, айниқса, вируслар мамлакатнинг ривожланиш даражаси, истиқомат қилаётган халқнинг миллати, ирқини танлаб ўтирмайди. Бу профилактика чоралари кенг қамровли ва тизимли бўлиши кераклигини яна бир бор тасдиқлайди ҳамда ушбу ишда аҳолини касаллик юқиш йўллари ва тананинг коронавирусга мойиллиги тўғрисида хабардорлиги жуда муҳимдир.



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА



Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида



ҲАЁТ ЙЎЛИ – ИЛМ, ФАОЛИЯТИ – ЖАСОРАТ

Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонлари ва фронт ортида улкан жасорат ҳамда матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев

таъкидлаганидек, буюк Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ҳамда спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати

туфайли 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ҳамда бунинг қадрига етиши зарур. Зеро, озодлик учун курашган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди, халқимиз қалбида мангу яшайди.



ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА БОШ ВАЗИРИГА ТАБРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 март куни Покистон Ислам Республикаси Президенти Ориф Алвий ва Бош вазири Имрон Хонни ушбу мамлакатнинг миллий байрами — Покистон куни билан табриклади.

ЎзА.

КОРОНАВИРУС МУНОСАБАТИ БИЛАН БЕЛГИЛАНГАН КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН М У Р О Ж А А Т

Коронавирус тарқалишини олдини олишнинг энг муҳим шарти карантин қоидаларига қатъий ва истисноларсиз риюя этишдир.

Шунинг учун, чет элдан қайтиб келаётган ватандошларимиз, фаолиятида чекловлар ўрнатилган ташкилотлар ва муассасалар, тадбиркорлик субъектлари ва умуман мазкур чекловлар тегишли бўлган барча-барча субъектлар, жисмоний ва мансабдор шахслар давлат томонидан белгиланган карантин қоидалари ва талабларини сўзсиз бажаришларини қатъий сўраймиз.

Амалга оширилаётган кенг қамровли тушунтириш ишлари ва чоралар, жумладан, мураккаб шариоитда ва тезкор равишда чет элдан қайтиб келаётган кўп сонли ватандошларимиз учун республика ҳудудларида шариотлар қилинганга қарамадан, кеча Самарқанд вилоятида карантинга олинган маскандан иккита фуқаро қочиб кетган.

Ўзларининг бу масъулиятсиз хатти-ҳаракати билан мазкур фуқаролар республикадаги бошқа фуқаролар ва яқинлари ҳаётини хавфга қўйган ва бу билан Ўзбекистон қонунларини кўпол равишда бузган. Ушбу фуқаролар ҳозирда ушланган ва изоляция қилинган. Уларга нисбатан жиноий иш кўзғатилган.

Шу муносабат билан яна бир марта барча аҳоли қатламларини алоҳида огоҳлантирамиз ҳамда ўз ҳаракатларингиз билан нафақат ўзингиз, балки оила аъзо-

ларингиз ва халқимизга зиён етказишингиз мумкинлигини доимо эсда тутишларингизни сўраймиз.

Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон қонунчилигида жуда кескин жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

Жиноят кодексига асосан, шундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланиши мумкин.

Вирус кенг тарқалишининг олдини олиш учун фуқаролар жамоат жойларига иложи борича чикмаслиги, ўз ҳаракатларини кескин чеклашлари ва умуман олганда, жамиятда бир-бирлари орасида масофа сақлашлари зарур.

Ҳурматли фуқаролар, барча белгиланган қоида ва чекловларга тартибли равишда амал қилинсагина, бутун дунёда тарқалаётган ушбу вирусга қарши биргаликдаги, ҳамжиҳатликдаги курашимиз самара беради. Барчангизни шунга чақирамиз.

Ўз навбатида, тегишли мутасадди масъул идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва ходимлари карантин билан боғлиқ талабларга риюя этилишини 24 соат таъминлаб борилишига шахсан жавобгардирлар.

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича республика махсус комиссияси

ЎзА.



КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИ БИРГАЛИКДА БАРТАРАФ ЭТАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БУГУНГИ КУНДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Жиддий эътибор ва масъулият зарур

Ваҳобжон МУРАТКАБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат,
қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси:

— Бугунги кунда дунё миқёсида ко-
ронавирус пандемияси тарқалишига
қарши курашишда инсонларнинг ҳара-
катлинишига чекловлар киритиш, кор-
хоналар фаолиятини тўхтатиш орқали
аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарил-
моқда. Шу жумладан, мамлакатимизда
ҳам ушбу инфекция тарқалишининг ол-
дини олишга ўз вақтида жиддий эъти-
бор қаратиляпти.

Президентимизнинг шу йил 19 март-
даги “Коронавирус пандемияси ва гло-
бал инқироз ҳолатларининг иқтисодийёт
тармоқларига салбий таъсирини юм-
шатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-
тадбирлар тўғрисида”ги Фармони гло-
бал хавф-хатарлар даврида халқимиз
сихат-саломатлигини муҳофаза қилиш,
макроиқтисодий барқарорлиқни, иқтисо-
дийёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуқ-
сиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқти-
содий фаолиятни рағбатлантириш,
фуқароларни самарали ижтимоий

қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси да-
ромадлари кескин пасайиб кетишининг
олдини олишга қаратилган муҳим ҳуж-
жат бўлди, десак, асло янглишмаймиз.

Бинобарин, унга кўра, Молия ва-
зирлиги ҳузурида 10 трлн. сўм миқ-
доридagi Инқирозга қарши курашиш
жамғармаси ташкил этилди. Бу нима-
дан далолат беради? Бу ҳозирги му-
раккаб шароитда коронавирус инфек-
цияси тарқалишига қарши курашиш-
да иштирок этаётган тиббиёт ходим-
ларини моддий рағбатлантириш, рес-
публика санитария-эпидемиология
хизмати томонидан ҳимоя чоралари-
ни амалга ошириш харажатлари учун
қўшимча маблағлар ажратиш, худуд-
ларда иқтисодий фаоллик ва бандлик-
ни кенгайтиришга қаратилган қўшим-
ча инфратузилма лойиҳаларини рўёб-
га чиқариш, кам таъминланган оила-
ларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-
ларни кучайтириш ва нафақа олувчи-

лар сонини оширишни назарда тутати.

Шу боис коронавирус инфекцияси-
нинг тарқалишига қарши курашиш бўйи-
ча чора-тадбирларни молиялаштириш,
тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини
қўллаб-қувватлаш, аҳоли ижтимоий му-
ҳофазасини кенгайтириш, иқтисодийёт
тармоқларининг барқарор фаолият
юретишини таъминлаш жамғарма маб-
лағларидан фойдаланишнинг асосий
йўналишлари этиб белгиланди.

Бундан ташқари, Фармонда уч йил-
гача бўлган муддатга фойсиз бюджет
ссудаларини ажратиш орқали солиқ
тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш
таъдим этиляпти. Шунингдек, тадбир-
корлик фаоллигининг сустлашиши му-
носабати билан Қорақалпоғистон Рес-
публикаси бюджети, вилоятлар ва Тош-
кент шаҳар маҳаллий бюджетларида
олинмай қолинadи даромадлар ўрни-
ни тўлдириш ақс этмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси тадбир-
корлик субъектларини ҳар томонлама
қўллаб-қувватлаш, жойларда ишлаб
чиқариш ҳажмини кенгайтиришда муҳим
аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Қонун-
чилик палатаси депутатлари барча дав-
лат ва нодавлат тузилмалари, ташки-
лотлари, маҳалла ва хотин-қизлар,
ёшлар бирлашмалари фаоллари билан
биргаликда оммавий ахборот воситала-
ри орқали кенг тушунтириш ишларини
олиб бормоқда. Бунда асосий эътибор
аҳоли муурожаатларига қаратиляпти.
Уларни ўйлантираётган саволлар, хусу-
сан, чегаралар фақат эпидемия касал-
лиги учун ёпилгани, озиқ-овқат маҳсу-
лотлари захираси етарли даражада ма-
вжудлиги, кундалик истеъмол маҳсулот-
лари нархини сунъий равишда ошир-
маслик, фавқулодда иш режимида ўткази-
лган тиббиёт муассасалари, сихаттоҳ
ва оромгоҳлар дори-дармон, ҳимоя ва
диагностика воситалари билан етарли
даражада таъминланганилиги, хавотир
ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос
йўқлиги, кўпга келган бу балога қарши
ҳаммамиз биргаликда, бир ёқадан бош
чиқариб ҳаракат қилишимиз лозимлиги
тўғрисида жавоблар берилияпти.

Ушбу муаммо ва масалалар ечимини
ижобий ҳал қилишда барчамиз, айниқ-
са, депутатлар масъулияти муҳим бўлиб,
қийинчиликларни енгиб ўтишга, албат-
та, ишонамиз.

Тушунтириш ишларида нуронийлар, олимлар, педагоглар фаол

Зойир МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти ҳокими:

— Биз мамлакатимизга
қириб келган коноравирус
инфекцияси ва унинг ха-
вотирлари орқали кўрдик-
ки, барчамиз биргаликда
ҳаракат қилишимиз керак
экан. Шу сабабдан тиб-
биёт жихозлари, ниқоблар
Тошкентдан олиб келин-
ди ва бугун 500 та койка
тайёр, дезинфекция
қилувчи жихозлардан хлор
ва бошқа дори воситалар-
гача тайёрланди. Шу ка-
биларнинг захираси
яратилди.

Қашқадарёда дезин-

фекцияни, биринчи
навбатда, жамоат транс-
портларидан бошладик.
Турли транспортларни,
жумладан, автобуслар,
“Дамас” кабиларни дезин-
фекция қилиш бўйича
алоҳида гуруҳлар тузилди.

Аҳоли ўртасида бўлар-
ди ва бугун 500 та койка
тайёр, дезинфекция
қилувчи жихозлардан хлор
ва бошқа дори воситалар-
гача тайёрланди. Шу ка-
биларнинг захираси
яратилди.

Аниқ ва самарали чоралар

Азиз СУВОНОВ,
Кармана туманидаги “KARMANA GOLDEN
EGGS” корхонаси раҳбари, халқ депутатлари
Навоий вилояти Кенгаши депутати:

— Президентимизнинг
“Коронавирус пандемияси
ва глобал инқироз ҳолат-
ларининг иқтисодийёт тар-
моқларига салбий таъси-
рини юмшатиш бўйича
биринчи навбатдаги чора-
тадбирлар тўғрисида”ги
Фармони мамлакатимиз
аҳолисини ижтимоий
ҳимоялаш, миллий иқти-
содийётимизни эҳтимоли
юқори зарардан муҳофа-
за қилишда муҳим қадам
бўлди.

Мазкур ҳужжат билан
жисмоний ва юридик ма-
қомдаги солиқ тўловчи-
ларга солиқ таътиллари-
нинг берилиши, ташқи
савдо операциялари
бўйича муддати ўтган
дебитор қарздорлик
учун ҳўжалик юритувчи
субъектларга жарималар
қўллашнинг ва 2021 йил
1 январга қадар тадбир-
корлик субъектлари фао-
лиятини солиқ аудитидан
ўтказишнинг тўхтатили-
ши, албатта, пандемия ту-
файли юзага келиши мум-
кин бўлган ишлаб чиқа-
риш пасайишининг олди-
ни олади.

Паррандачиликка икти-
сослаштирилган корхона-
мизда 200 киши меҳнат
қилади. Аксариати аёл-
лардан иборат. Уларнинг
14 ёшгача бўлган боласи-

ни парвариш қилаётган
қисмига ушбу Фармон
асосида ўртача ойлик иш
ҳақининг 100 фоизи миқ-
доридa вақтинча меҳнат-
га қобилиятсизлик нафа-
қаси тўланишини амалга
татибқ этамиз. Шунинг-
дек, Навоий шаҳридаги
“Саховат” савдо мажмуа-
сида 100 минг дона ту-
хумни арзон нархларда
савдога чиқардик. Энди
Кармана деҳқон бозори-
да ҳам савдодагидан
20 фоиз арзон товук
гўшти ва тухум сотишни
йўлга қўямиз.

Ишончим комилки, бу-
гун бутун дунё рўбарў ке-
либ турган мазкур таш-
виш бирдамлик ва ҳамжи-
ҳатликда аҳоли учун ҳам,
иқтисодийётимиз учун ҳам
асоратсиз бартараф эти-
лади. Энг муҳими, тахли-
кага тушмасдан мамлака-
тимиз раҳбарияти белги-
лаган тадбирларга амал
қилсак, халқро ҳамжа-
мият олдида юзимиз ёруғ
бўлиб, Ўзбекистоннинг
нақадар улкан салоҳияти-
га, қудратга эга давлат
эканини, юксак маънави-
ятли халқимиз ҳар қандай
оғир дамлардан ҳам мар-
дона ўта олишини кўрсат-
ган бўламиз.

Доимий ишловчи штаб ташкил қилинди

Тўра БОБОЛОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими:

— Вилоятимизда коронавирус
инфекцияси кириб келиши ва тар-
қалишининг олдини олиш бўйича
бир қатор чора-тадбирлар белги-
ланган. Жумладан, вилоят ҳоким-
лигида ва фавқулодда вазиятлар
бошқармасида тегишли бошқарма,
корхона ва ташкилотларнинг масъ-
ул ходимларидан иборат доимий
ишловчи штаб фаолияти ташкил
этилди.

Ҳар кун икки маротаба жамоат

транспортларини дезинфекция
қилиш тизими йўлга қўйилди. Айни
пайтда вилоятдаги юкумли касал-
ликлар шифохоналарида 155 ўрин
ҳамда керакли дори-дармон воси-
талари тайёрлаб қўйилган. Шу-
нингдек, хориждан қайтиб келади-
ган фуқаролар учун 250 ўринли
обсервация карантин ўринлари
шакллантирилди. Ушбу муассасалар-
да 13 турдаги санитария ва гигиеник
воситалар жамламаси мавжуд.

Энг муҳими, аҳоли ўртасида ор-
тиқча ваҳима уйғотмаслик, бозор-
лардаги нарх-навоининг сунъий

ошиб кетишига йўл қўймаслик мақ-
садида бозорлар ва савдо комп-
лексларида савдо ярмаркалари
ташкил этилди, озиқ-овқат захира-
лари шакллантирилган.

Шунингдек, солиқ ва прокурату-
ра идоралари ходимлари томони-
дан бозорлар ва йирик савдо маж-
муаларида мониторинг ишлари
ташкил этилди ва нархларни асос-
сиз оширганларга қонуний чоралар
қўрилмоқда.

Ишончимиз комилки, ушбу си-
новли дамлар халқимизни янада
жипслаштиришга хизмат қилади.

Иқтисодийёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябригача:



Якка тартибдаги
тадбиркорлар учун
ижтимоий солиқнинг
минимал суммаси ойига
ҳисобланган
базавий ҳисоблаш
микдорининг
50 фоизигача
камайтирилади;



Алкоголь
маҳсулотларнинг
улгуржи савдоси
билан шуғулланувчи
корхоналарнинг
ажратмалари
5 фоиздан
3 фоизга
пасайтирилади;



Умумий овқатланиш
корхоналари учун
алкоголь маҳсулотларини
чакана сотиш ҳуқуқи учун
йиғимлар миқдори
белгиланган
микдорлардан
25 фоиз
камайтирилади.

Коронавирус инфекцияси ва унинг олдини олиш тўғрисида нималарни билиш муҳим?

Касаллик қўзғатувчиси
йўталганда ва
аксирганда тупук
заррчалари орқали
ташқарига чиқади ҳамда
1,5-2 метр радиусдаги
одамларга юқиши
мумкин. Бундан
ташқари, атрофдаги
у ёки бу предметлар
орқали юқиш
эҳтимолдан холи эмас.
Чўтки қўзғатувчилар
пластик юзада — 5 кун,
ёғочда — 4 кун, ойнада —
4 кун, қоғозда — 4-5 кун,
металлда — 2-8 соат,
тиббийёт қўлқопида —
8 соатгача яшаши
мумкин.

Коронавирус инфекциясининг клиник
қўриниши бошқа патогенлар келтириб

чиқарадиган ўткир респиратор вирусли
инфекцияларга ўхшайди. Турғунлик дав-
ри 2 — 14 кун. Касаллик ўткир тана
ҳароратининг кўтарилиши билан бош-
ланади. Асосий симптом ринит бўлиб,
у нафас олиш қийинлашуви, ҳансираш
ва бурундан кўп миқдорда сувли аж-
ралма ажралиши билан намоён бўлади.
Баъзи ҳолларда пастки нафас йўллари-
нинг коронавирус инфекцияси пневмо-
ниянинг ривожланиши билан, йўтал, на-
фас олиш пайтида кўкрак қафасидаги
орғиқлар, нафас олиш қийинлашуви бил-
ан бирга бўлиши мумкин.

Ошқозон-ичак трактининг шикастла-
ниши кўнгил айланиш ва диарея билан
ўткир гастроэнтерит шаклида давом
этиши мумкин. Коронавирус инфекция-
сида бошқа ўткир респиратор вирусли
инфекцияларга хос бўлган аломатлар —
ютинганда томоқ оғриғи, ўртача бош
оғриғи, иситма ҳам кузатилиши мумкин.

Хўш, ушбу инфекцияни юқтириб олиш
хавфини қандай камайтириш мумкин?
Бунинг бир қатор омиллари мавжуд.

Жумладан, қўлларни тез-тез ва ях-
шилаб совун билан оқар сувда ювиш,
овқат қилиш давомида ҳамда ундан ол-
дин ва кейин, шунингдек, овқатланиш-
дан олдин, ҳожатхонадан чиқиб ёки хай-

вон парваришидан кейин қўлларни
ювиш, агар қўлни ювиш имконияти
бўлмаса, спиртли дезинфекцияловчи
воситалар ёрдамида ишлов бериш
керак.

Юзингиз ва кўзингиз қўлингиз би-
лан кўп ушламанг. Мобилъ телефони
грипп ҳамда бошқа нафас йўллари ин-
фекциялари, шу жумладан, коронави-
рус ташувчиси, юқтириш омили бўлиши
мумкинлигини инобатга олган ҳолда,
қурилмани кўпинча қўлдан-қўлга ўтиб,
юзга жуда яқин жойлаштирилгани
сабабли ҳар доим кечкурун, иш кун
тугаганидан кейин спирт сақлаган
антисептик воситалар билан яхшилаб
артиш муҳимдир.

Кўча-қўйда оғиз-бурунга ниқоб тақинг,
ниқобларни тури ва сифатига қараб иш-
латиш муддатлари белгиланганлигини
инобатга олиб, оддий ниқоблар уч-тўрт соат
ишлатилиши кераклигини ёдда тутинг.

Саломлашиш удумига амал қилиш,
хусусан, қўл бериб, кучоқлашиб ҳамда
ўпишиб кўришидан сақланган маъкул.
Шамоллаш ёки грипп аломатларига эга
одамлар билан яқин алоқа қилишдан
чекланиш, касалликнинг илк даражаси
ни кузатишдан, уйда қолиб, амолхор
шифокорга муурожаат қилиш, агарда ша-
моллаш аломатлари (йўтал, нафас
олишда қийналиш) кузатилса ёки
шамоллаш аломатларига эга беморни
парваришлаётган бўлсангиз, албатта,
уй ёки касалхона шароитида ҳам оғиз-
бурунга ниқоб тақиш, хоналарни шамол-
латиб туриш, озиқ-овқат маҳсулотлари-
ни гигиеник талабларга мос ҳолда
сақлаш ҳам бугунги кунда жуда муҳим.

Барчамиз шу каби оддий қоидаларга
амал қилсак, тегишли ташкилотлар
талаби ва тавсияларига қатъий риоя
этсак, ушбу коронавирус тарқалишининг
олдини олишга ҳисса қўшган бўламиз.

Амрилло ИНОЯТОВ,
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат
тиббийёт институти ректори,
Абдурашид ОБЛОҚУЛОВ,
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат
тиббийёт институти юкумли касалликлар
кафедраси профессори.

